

Узб.2

9584

0-83



Азимхўжа Отахўжаев

# Абу Али ибн Сино

15

**АЗИМХҮЖА ОТАХҮЖАЕВ**

# *Абү Али ибн Сино*

*(рисола)*

ТОШКЕНТ  
«ABU MATBUOT-KONSALT»  
2011

УДК 94(575)(092) Абу Али ибн Сино

ББК 63.3(5У)4

О-86

**Лойиҳа муаллифи ва масъул мухаррир:**  
*тариҳ фанлари доктори Қ.Қ. Ражабов*

**Тақризчи:**  
*тариҳ фанлари номзоди Н. Хидирова*

**Отахўжаев, Азимхўжа.**

Абу Али ибн Сино (рисола) / А. Отахўжаев; лойиҳа муаллифи ва масъул мухаррир Қ.Қ. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 32 б. – (Тарих ва тақдир).

Ушбу тарихий рисолада машҳур аллома Абу Али ибн Сино ҳаётини ва ижоди тўғрисида сўз боради. Ёвропада у Авиценна номи билан машҳур бўлган. Буҳоролик мутафаккир, буюк табиб, таниқли файласуф олим ва щоир Абу Али ибн Синонинг мураккаб ҳаёт йўли, илмий фаoliyati рисолада ишончли манбалар асосида қизикарли, содда тарзда ёритилган.

Мазкур рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Абу Али ибн Сино  
ББК 63.3(5У)4

ISBN 978-9943-336-51-3

© «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011 й.

## Сўзбоши

Мовароуннахр замини азал-азалдан буюк мутафаккир ва даҳоларга белгик бўлган. Ушибу камолот эгалари нафақат Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маънавиятини юксалтириш учун, балки жаҳон тамаддунигин тараққиётига ўзларининг муносиб хиссаларини кўштаганлар.

Дунё илм аҳли орасида маълуму машҳур бўлган сиймолардан бири қомусий олим Абу Али ибн Сино ҳисобланади. Бу аллома нафақат ўз замонасининг, балки келажакнинг ҳам буюк мутафаккири сифатида тарих зарваракларидан муносиб ўрин олди. У яратган тиббиёт, фалсафа, астрономия, математика, кимё, адабиёт, тарих ва илоҳиётта оид ўилаб асарларда ундан олдин яшаб ижод этган алломаларнинг илму ирфон маҳсуллари нафақат бойитилди, балки янгича талқинда, янги илмий ютуқлар кўшилган ҳолда келгуси авлодга мерос қолдирildи. Шу боис ҳам Ибн Сино мероси шу кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай, нафақат Ватани – Ўрта Осиёда, балки бутун дунё илм аҳли орасида ўқиб-ўрганилиб, қадр ва эъзоз топиб келмоқда. Бухоронинг буюк даҳоси минглаб илм аҳлига билвосита устозлик қилиб, билимнинг турли соҳалари, хусусан, табобатдан сабоқ бермоқда.

Мазкур тарихий рисола Ибн Сино яшаган даврнинг машҳаққатлари, илм аҳлининг мураккаб ҳаёти, ўз мақсади йўлида чеккан заҳматлари ҳамда сабр-тоқат билан қўлга киригтан ютуқларига бағищланган. Рисола аввалдан маълум бўлган ўилаб илмий ва бадийи асарларнинг негизида яратилгани боис, унда асосий эътибор тарихий жараёнларни илмий тил билан эмас, балки китобхон тушуниши осон бўлган содда ва тушунарли қилиб баён этишга қаратилди. Рисоладан кўзланган мақсад эса ўсиб келаётган ёш авлодни ўз аждодларига муносиб фидойи ворислар қилиб тарбиялашдир. Мустақил юрт эгалари – баркамол авлоднинг тарбияси у ўқиб-ўрганадиган ва сабоқ чиқарадиган

шу каби маънавий озуқага кўп жиҳатдан боғлиқдир. Боболари каби эзгулик йўлида ҳар қандай машаққатдан чекинмасдан, уни сабр-тоқат ва бардош билан енгид ўтиш, ўз иродаси ва кучига ишониш каби фазилатлар ёш авлодни комил инсон қилиб шакллантириши шубҳасиз. Қолаверса, мазкур рисолада ўтмишнинг тарихий воқеликларидан тўтри сабоқлар чиқариш зарурати ҳам кўрсатиб ўтилган.

Рисола билан танишган ўқувчи Ибн Сино даври тарихий воқелигини фасллар изчиллигига кўз олдига келтириш баробарида ўша даврнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва этномаданий манзарасини ҳам хис қиласди. Бу ўқувчидага миллий ва диний бағрикенглик, Ватангга муҳаббат, илм йўлида фидойилик каби хислатларни тарбиялайди. Шу нуқтага назардан, тақдим этилаётган бу асар Ибн Сино сиймоси ва у яшаган тарихий давр орқали китобхонда ўз меросига эътиборли бўлиш туйғуларини уйғотади, деган умиддамиз.

## Афшона ҳақида

**М**илодий сана ҳисобида 980 йил август ойида Бухоро яқинидаги Афшиона қишлоғида Абдуллоҳ ибн Али хонадонида фарзанд туғилди. Унга Ҳусайн деб ном күйишиді. Ҳусайн уәгайиб, буюк олим бўлиб етишганда уни Абу Али ибн Сино номи билан дунё таниди. Европа олимлари унинг асарларини ўз тилларига таржима қилиб, унга европача Авиценна номини беришиді. Шогирдлари ўз устозларини шайх деб чакиришни маъкул кўрдилар. Алломалар унга шайх ур-раис унвонини беришиді. Хуллас, биз билган ёки билмоқчи бўлган Абу Али ибн Сино шу номлару таҳаллуслар ва унвонлар остида дунё тарихида мурҳанниб қолди. Унинг тўлиқ исми эса Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино эди.

Ҳусайн туғилтан Афшиона ҳам ўз фарзанди каби ардоқли қишлоқлардан бўлган. У ҳақда Наршахий: «Афшина катта шаҳристон ва мустаҳкам ҳисорга эгадир. Бир неча қишлоқлар унга мансубдир... Бу қишлоқларнинг экин ерлари ва биёбонлари мадраса талабаларига вакф қилинган. Қутайба ибн Муслим у жойда масжиди жоме бино қилган. Мұхаммад ибн Восе ҳам бир масжид курдирган. Бу ер дуо қабула бўладиган жой. Одамлар шаҳардан у жойга борадилар ва уни табаррук деб ҳисблайдилар», - деб ёзади ўзининг «Бухоро тарихи» асарида.

Бу табаррук қишлоқ тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Уни манбаларда Афшина деб ёзадилар. Тадқиқотчилар фикрича, милодий биринчи минг йиллик биринчи ярмида, яъни 439 йили хитойликлардан зарбага учраган турклар йўлбошчиси Ашина ябғу 500 оиласга бош бўлиб, ўз қавмини Наньшандан Олтой этакларига кўчирди. Йиллар ўтиб шу урут яғуси Бумин Буюк Турк хоқонлигига асос солди. Унинг укаси Истами эса 553–567 йиллар оралигида қай ердаки қавмдошлари бўлса, барчасини ўзига итоат эттириди. Гарчи эфталийлар ва турклар бир қавмдан бўлсалар-да, уларнинг манфаати Ўрга Осиёда тўқнап келди. 567 йилда Бухоро яқинида бўлган 8 кунлик жантдан сўнг

турклар зафар құчдилар. Суәд ашина қавми тасарруфига кирди. Бу ерда улар ўтроклашиб, ўз қишлоқларини барпо этдилар. Афшина деб юритилган қишлоқ номи туркий тил қонуниятига күра икки сұз асосига қурилған. *Ағ ёки аб, зе – қадимги туркий тилде үй* (сүгдий қиёси кат) ва шина – ашиналар атамасининг қисқарған шакли. Қишлоқ ашиналар уйи мазмунидә ифода тоған зди. Ҳатто айрим мулоҳазаларға күра, бу қишлоқ Түрк ябгу-хоқонларининг Туркистон ёқи' Сүгддаги қароргохи ҳам бўлған, детан қарашлар мавжуд. Қолаверса, бу қишлоқ аҳди, тадқиқотчи А. Салдадзе фикрича, йирик шаҳарлардаги сүедий ва туркий икки тиллилиқдан фарқли ўларок, фақат туркча гаплашган. Ҳусайннинг отаси асли балхлик, онаси Ситора шу юрт фарзанди зди. Олимнинг отаси Абдуллоҳ Сомонийлар амири Нұҳ ибн Мансур (хукмронлик даври: 976–997) томонидан Хурмитан (Хурмайсан) қишлоғига молия амалдори этиб тайинланди, афшоналиқ Сигорага үйланиб, икки ўтил фарзанд кўрди. Каттаси Ҳусайн ва ундан 5 ёш кичик укаси Маҳмуд зди.

985 йилда Ҳусайннинг ота-онаси Афшонадан Бухорога кўчиб ўтдилар. Бунинг ўз ижтимоий ва маиший сабаблари бор зди, албатта. Мұхими, Ҳусайн бені ёшигача она қишлоғи ҳавосидан баҳрамаңд бўлди. Ҳалқона урф-одатлар замирида ўси. Энди уни Сомонийлар салтанати пойтахти Бухоро ўз бағрига олди. Отаси уни ўқишта берди. Ҳусайн Қуръони Карим ва адаб илми-ни ўрганди, илм эшиклари очилиб, унда фанлар ҳақида тасаввур пайдо бўла бошлади.

### Дастлабки сабоқлар

**Б**ухорога келган Ҳусайнлар оиласи бу ерда муқим яшаб қолди. Ҳусайннинг отаси Абдуллоҳ ўз ўғлининг таълим олиб, буюк инсон бўлишини орзу қиласарди. Абдуллохнинг ўзи ҳам замонасининг билимли қишиларидан бўлгани боис, уларнинг хонадонида тез-тез олиму фузалолар тўпланиб туришар зди. Улар дунё воқеаларига, давлат ҳаётидан ташқари қадим тарих, фалсафа, мантик, тиббиёт, ҳақидаса, хисоб илми, фалакиёт соҳасида бир-биридан қизиқарли сұхбатлар, баҳс-мунозаралар қилишарди. Ёш Ҳусайн уларнинг сұхбатини тинглар экан, кўп нарсаларни ҳали англаб етмаса-да, сұхбатлар асносида кечәтган баҳсларни жону дили билан әшитарди. Шу

сұхбатларда илк бор Аброй күзголони, Абройнинг Тўраман исмли турк шахзодаси эканлиги, унинг ҳалқа ҳукмдор сифатида ўтказған зулми, Корачуриннинг ўти Шери Кишвар – Эл Арслоннинг юртда тартиб ўрнатгани, ҳокимиятта келган туркий сулолалару араб истилоси, сомонийларнинг ҳокимиятта келиши каби маълумотлардан боҳабар бўлди. Кейинчалик юртдоши Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарини ўқигач, бу маълумотлар айни ҳақиқат эканини билиб олди. Айниқса, Афросиёб (Алп Эр Тўнга) ва Сиёвуш воқеаларини эшитиб, барча қавмлар бир ота-она фарзандлари эканини, уларни гоҳида дунёнинг ишлари, сиёсату амал талашишлар айриб ташлаганини англаб ета бошлади.

Ёш Ҳусайн бу заминдаги барча ҳалқлар ягона эканлигини, ирқлар ҳам битта илдиздан тарқалғанлигини, тақдир одамларни бўлиб юборишини чуқур фалсафий мушоҳада қила бошлади. Юнон Аристотель, турк Форобий, шергамлик Гален, хинд Ҷаракой, хитой Хуа То, яна бир юнон Гиппократ, афиналик Платон, римлик Цельс ҳақидаги сұхбатларни Ҳусайн катта қизиқиш билан тингларди. У буларнинг барчасини ўзининг яқин биродарлари сифатида қабул қиласади. Ҳусайн шу аснода илк таълимни ўз хонадонида ва Бухоро шаҳридаги мадрасада олди. У юнон, рим, хинд, суриён, форс, турк, византгия маданияти сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб камол топа бошлади. Унга отасининг бой кутубхонаси ҳам яхшигина сабоқ берди. Кўплаб алломалар, замонасидан қатъи назар, ўз китоблари орқали унга билим бердилар. Муҳаммад Ҳоразмий (783–850) асарлари унга арифметика асоси – хинд ҳисоби ва алгебра асоси – тенглама ечишнинг икки услубини ўргатди. Қадимги юнон файласуфи тирилик Порфирий (III аср) асари Ҳусайнини Аристотель мантиги билан таништириди. Яна бир юнон олимни ва математиги Евклид (мил. авв. III аср) унга геометрия оламини очган бўлса, Птолемей (II аср) уни астрономия фазосига олиб чиқди. Юртдоши Форобий (873–950) унга метафизика фанининг умумий кирраларини ўргатди. Шу каби китоблар орқали устозлик қилган алломалар ёш Ҳусайннинг фанга бўлған қизиқишини янги интилишга айлантириди. Энди у әмапация, рух босқичлари, билиш дунёси, руҳий олам каби тушунчалар устида бош қотира бошлади. Бу билан у неоплатонизм остонасига қадам босди.

Хусайннинг отаси исломнинг исмоилийлар оқими вакили бўлиб, ёш Хусайн ва укаси шу муҳит таъсирида тарбияландилар. Бирок Абдуллоҳ ҳеч қачон фарзандларининг раъйига қарши бормаган. Ёш Хусайн отаси қабул қиласан таълимот йўлидан бормади. Бу ҳақда у «Таржимай ҳол»ида баён қиласан эди. Абу Абдуллоҳ яқин дўсти, даврининг етук олимларидан бири балхлик қадрдони Нотилийни ўз хонадонига олиб келиб, фарзанди Хусайнга сабоқ беришини сўради. Ўн ёшли Хусайн энди ўз сабоқларини биринчи устози Нотилийдан ола бошлади.

### Нотинч Бухоро

**Н**отилий шогирди Абдуллоҳ ибн Али хонадонида-ти зукко ва топқир йигитча Хусайнга мәҳр қўйиб билим беришга киришди. Нотилийга қадар ёш Хусайн Исмоил Зоҳидийдан фикҳ (ислом қонуни) илмини бир қадар ўрганган эди. Нотилий унга III аср файласуфи тирилик Порфирийнинг Аристотель мантиғи бўйича ёзган китобини тушунтира бошлади. Хусайннинг «Нима бу?» деган саволлари-га Нотилий эринмай жавоб қайтаради. Шу аснода ёш Хусайн мантиқ илмини англай бошлади. Сўнгра Хусайн юонон олими Гіполемейпинг астрономияга оид «Алмажиста» китобини кўлга олди. Кириш қисмидан геометрик шаклларга ўтганда Нотилий «ўқиб, уларни мустақил ишила...» деди. Хусайн ҳар бир шаклни ўрганиб, устозига баён қилиб бера бошлади, то баён аниқ бўлмагунича Нотилий уни қайта-қайта сўроққа тутарди. Сўнг Хусайн табобат илми билан таниша бошлади. «Тиб илми, – деб ёзади Ибн Сино «Таржимай ҳол» асарида, – қийин илмлардан эмас, шунинг учун мен қисқа бир муддатда бу фанда жуда илгари-лаб кетдим. Энди ҳатто билимдан табиблар ҳам ҳузуримга келиб тиб илмидан дарс ола бошладилар».

«Таржимай ҳол» асарининг бир қисмини Ибн Синонинг ўзи, қолган қисмини чорак аср унга шогирдлик қиласан Абу Убайд Жуэжоний ёзган. Бу асар унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ишончли маълумотлар беради. Хусайн кўпроқ амалиётта эътибор қаратди, шифохоналарга бориб, касаллар билан сухбатлашди, касаллик сабабларини, даволаш усусларини аниклади. Бу пайтда у бор-йўғи 16 ёшга кирган эди.

---

Нотилий ўз шогирдининг анча илгарила беттанини хис кила бошлади. Бундан кувонди. Энди у Ҳусайнга ортиқ билим беришга қодир эмас эди. Шу боис Абдулоҳ хонадонини тарк этишига аҳд қилди. Уни йўлга кузатар экан, Абдулоҳ ўелига берган сабоқ эвазига отларидан бирини олиб кетипшини сўради. Шунда Нотилий ўзига хос файласуфона: «Сенинг ўелинг билан учрашувдан кейин, менга отда эмас, эшакда юриш қолди», деб ҳазил қилди.

Айни шу кунларда Бухоро нотинч бўлиб, ташки на ичқи сиёсий аҳвол оғир эди. Кетар чогида Нотилий Абдулоҳга: «Ўелингни эҳтиёт қил» деб насиҳат берди.

Ҳусайннинг тиб илмини эгаллашида яна бир устози, бухоролик табиб Абу Мансур Ҳасан ибн Нуҳ Қумрийнинг хизматлари ҳам катта эди. У ёш Ҳусайнга ўзида бор билимни, табобат сирларини умрининг охиригача, яъни 999 йилгacha сидқидилдан ўргатди. Шу боис 17 ёшидаёқ Бухоро аҳли Ҳусайнни Ибн Сино номи остида, машхур табиб сифатида таний бошлади.

Ҳусайн ўз ватанида рўй бераётган воқеаларни кузатар экан, «Ватан тарихи авадият мактабидаги бош муаллим» деб тушунди. Бухоро остонасида турган кучлар ҳалқининг эмас, Сомоний амирларининг душмани эканлигини хис қиласа-да, бу талатўсларда «хўлу куруқ баравар ёниши»ни у яхши биларди. Сомонийларнинг йирик лашкарбошиларидан бири Алтегиннинг Бухордан Газнага кетиши Сомоний ҳукмдорларининг катта йўқотиши эди. Бу ҳақда Низомулмулк шундай ёзган: «Алтегин Ҳурсонга кетганида, Сомонийлар сулоласидан ҳам бахт кетди». Бухоро тақдирни Фойиқ ва Абу Али Симжурий каби амалпараст лашкарбошилар қўлида қолди.

Ҳусайн 12 ёшлигида эканлигига, яъни 992 йили Корахонийлар хоқони Ҳасан Бугроҳон Бухорога кириб келди. Бироқ Бухорода хасталаниб, тезда пойтахтни тарк этди.

Х аср ўрталарида тарих саҳнасига Алтегиннинг Нилопур бозоридан сотиб олган, тутинган ўели Сабуктегин кириб келди. Сабуктегин 977 йилдан Газна вилояти амири бўлган. У 995 йили Фойиқ ва Абу Али Симжурийларни тор-мор келтирди.

Бу орада нотинчиллар, таҳт учун курашлар Сомонийлар давлатининг 33 ёшли амири Нуҳ ибн Мансурни қарияга айлан-

тирди. У отир хасталикка учради. Күпчиллик сарой табиблари-нинг маслаҳати билан ёш Ҳусайн Сомонийлар ҳукмдорини даволади. Миннатдорчилик эвазига Нуҳ 16 ёшли габиб Ҳусайнга сомонийларнинг Бухородаги машхур кутубхонасидан фойдаланиш имконини берди. Бу кутубхонада Ҳусайн бир муддат ўқиб-урганиш ишлари билан машгул бўлди. Бироқ кутубхонага ўт кетиб, нодир китобларнинг кули кўкка совурилди.

16 ёшли Ҳусайн Аристотелнинг биргина «Метафизика» асари моҳиятини тущуниб етиш учун уни қирқ марта ўқиб чиқиб ёд олди, аммо барибир бу ёнда у асарнинг туб моҳиятини тўлиқ англаб ета олмади. Кунлардан бир куни бозордан Форобийнинг «Метафизиканинг мақсадлари ҳақида» китобини харид қилди. Шу китоб орқали у Аристотелнинг «Метафизика» асарига калит топди.

Бухородаги ҳаёт эса ҳануз саросимали ва ваҳимали эди. 34 ёшли Нуҳ вафог этиб, ўрнига 19 ёшли ўғли Мансур тахтга чиқди. 17 ёшигача бу воқеаларнинг кўпига шахсан гувоҳ бўлган Ҳусайн дунёнинг «ҳориган бир карвон» эканлигини тушуна бошлади. Аммо тақдир уни хоразмлик замондоши, улут аллома ва мутафаккир Абу Райҳон Беруний билан яқинлаштириди. Икки ўртада ёзишмалар бошланди. Аксарият мактублар фаннинг турли соҳалари, айниқса, фалсафа, математика ва астрономия масалаларига оид эди. Чунки Ибн Сино бу фанларга Аристотель қарашлари асосида, Беруний эса Демокрит қарашларига таяниб баҳо берарди. Шу боис мусоҳабалар қизиқарли ва жiddiy кечарди. Беруний ёш замонодоли Ибн Синони фаннинг турли соҳаларидан сўроққа тутарди. Жумладағ: «Нима учун Аристотель ва бошқа олимлар дунёнинг олти томони бор деб ҳисоблайдилар? ...Ахир шарсизон жисмнинг томонлари йўқку?» деган саволга Ибн Сино: «Файласуфлар аниқлаган олти томон узунлик, чуқурлик ва кенгликлар билан белгиланган. Уларнинг ҳар бирида икки томон бор, бу эса олти томонига тенг. Шарнинг томонлари йўқ дейиш нотўғри, унинг ҳам узунлиги, кенглиги ва чуқурлиги бор» деб жавоб берган. Жавоблар сўнгтида Ибн Сино замондоши Берунийга қаратса шуңдай ёзади: «Сен томоннингдан менга берилган саволларга жавобларим шу. Уларда агарда бирор тушунмовчилик топсанг, менга шараф кўрсатган бўласан, чунки

---

уларни тушунтириши учун яна менга мурожаат қиласан. Мен тезда жавоб ёзib сенига юборишига ҳаракат қиласам». Беруний эса бу ўстириннинг дадил, айни чогда мантикий жавобларидан баъзан қоникиш ҳосил қиласди, баъзида эса фикрларини таҳлил қилиб кўради. Ўртадаги илмий баҳслар ҳаётдаги дўстликка птур етказмади. Бу даврда ўзбек халқининг икки буюк алломаларидан бири 17, иккинчиси 24 ёшда бўлиб, уларнинг иккиси ҳам илм оламига кириб келаётган навқирон ва зукко йигитлар эди.

Ибн Сино зарурый билимларни ўз устозларидан ташқари маънавий устозлари бўлган юнону рим, хинду форс, турку хитой салафларидан ҳам ўрганди. Айниқса, замонасининг буюк қомусий олими Абу Райхон Беруний билан ёзилмалари унинг фикр доирасини кепгайтириб, масалага таҳлилий ёндашишни ўргатди. Бухоро мухити ва Нуҳ ибн Мансур кутубхонасида олган билимлари ҳосиласи сифатида Ибн Сино 17 ёшидан дастлабки илмий иштига кўл уради. У Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурга багишлаб, нафсоний қувватлар ҳақида рисоласини, «Уржуза» тиббий шеърий асарини, қўшниси ва дўсти Абул Ҳусайн Арузийнинг илтимоси билан турли фан соҳаларини қамраб олган «Ал-Ҳикмат ал-Арузий» – «Арузий ҳикмати» асарларини яратди.

Мовароунаҳрда ҳукмдорларнинг ўзаро урушлари узок давом этар, бу воқеалар Бухорода илмий ишлар билан хотиржам шутуланишга имкон бермасди. Бунинг устига, 1002 йилда Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ вафот этди. Сомонийлар давлати эса қулади.

Ҳусайн укаси билан 1005 йилгача Бухорода яшади. Сомонийларнинг сўнгти умиди бўлган Исмоил II Мунтасир ҳам жангларнинг бирида 1005 йили ҳалок бўлди. Бухорода Қорахонийлар давлатининг ҳукмронлиги бошланди. Бухорони тарк этиш нияти энди Ҳусайнга тинчлик бермай кўйди. У қўнимгоҳ сифатида Хоразмни танлади. Чунки омон қолган сомоний шаҳзодаларнинг бир қисми ҳам Гурганж (Кўхна Урганҷ)дан паноҳ топган эдилар. Сомонийлар даврида ижод қилган шоир, математик, табиб ва тарихчилар Фазнага Маҳмуд Ибн Сабутегин хузурига йўл олдилар.

## Абу Али ибн Сино Хоразмда

**И**бн Синонинг Хоразмга етиб келишига дўсти Абу Бакр Барқий ёрдам берди. Ибн Сино тан ва рух – ҳаёт ва ўлим ҳақида фалсафий мушоҳадаларга бой 20 жилдли «Ал-Хосил ва-л-маҳсүд» («Якун ва натижә») қомусий асарини ва 2 жилдли «Китоб ал-бирил ва-л-исм» («Саховат ва жи-ноят китоби»)ни ёзди.

У Хоразмга келишда карвон билан уч кун юриб, йўлда жуда кўп воқеаларга шоҳид бўлади. Сўнг Амударё бўйидаги Тўнюқлу манзилига – Хоразм сарҳадларига етиб келишди. Дарё бўйлаб карвон оқимга қараб юришни давом эттириди. Ёбқанор воҳасига етиб келган карвон туркманлардан гўшт ва сут харид қилди. Ҳонқага йўл олиб, кечувдан ўтди. Гурганж (Кўхна Урганч)га кириб борган карвон шаҳардаги карвонсаройга жойлашди. Ибн Сино Хоразм заминига қадам қўйди.

Хоразмдаги илмий муҳит унга ижод билан шугулланишга имкон берди. Бу ерда у «Гиб қонунлари» асарини ёзипни бошлиди. Асарнинг биринчи бўлимида табиб Галенning анатомияга оид ишлари чуқур таҳлил қилинди. Кўз мушаклари ва нерв толаларини амалий тажрибадан ўtkазди. Ҳатто катарактани жарроҳлик йўли билан олиб ташлашга ҳам кўл урди. Инсон устихони ва суяқ ичидаги иликлар аҳамияти ҳақида ба-тағсил маълумотлар бериб, юнон табиби Галендан бу соҳада анча илгарилаб кетди. Бу даврда Хоразм Ўрга Осиёнинг бой ва маданий ўлкаси сифатида илмий марказга ҳам айланган эди. Хоразмшоҳлар Маъмун ибн Муҳаммад (хукмронлик даври: 995–997), Али ибн Маъмун (хукмронлик даври: 997–999) ва Маъмун ибн Маъмун (хукмронлик даври: 999–1017) даврида Урганчда замонасининг кўпгина таникли олимлари яшаб, ижод қилаётган эди. Берунийнинг устози, математик ва астроном Абу Наср ибн Ирок (1034 иили вафот этган), табиб ва файласуфлар Абу Саҳи Масиҳий (1010 иили вафот этган) ва Абулхайр Ҳаммор (942–1030) ҳамда Абу Райхон Беруний (973–1048) ана шулар жумласидан эди.

Ибн Сино Хоразмда хоразмшоҳ вазири Абул Ҳусайн Саҳлий билан танишиб, сұхбатлар қурди. Саҳлий саройдаги олиму уламолар раҳнамоси бўлиб, Ибн Синони ҳам сарой ҳомийлигига

олди. У Бухорода бу пайтгача бир нечта рисола ва китоблар ёзишта ултурган. Хоразм илмий жамоатчилигининг тилига тушган эди. Хоразмшоҳ вазири Абул Ҳусайн ас-Саҳлийга атаб кимёга оид «Рисола ал-иксир» – «Иксир ҳақида рисола» асарини ёди. Айниқса, Арузийнинг илтимосига кўра, ёниб кетган Сомонийлар кутубхонаси фонди баёнини яратди. Ёш аллома 17-20 ёцлар орасидаёқ 24 жилдан иборат китобларни ёзиб ултурган эди. Шуларнинг 22 таси Барқий кўлида қолгани боис улардан ҳеч ким кўчирма ололмаган, деб хабар беради Ибн Али Усайбийя. Мазкур рисолаларнинг аксарияти кимё соҳасига оид эди. «Рисола ал-иксир» асарида эса Ибн Сино кимёвий йўл билан олтин ёки кумуш олиш мумкин эмас, деган худосага келади. Ибн Макуланини мътилемотига кўра, Ибн Сино ўз дўсти Барқийга багишлаб бир неча рисолалар ёзган бўлиб, улар орасида «Наврӯз байрами муносабати билан, абжад тартиби жойлашувига нисбатан йўрїк» номли рисола ҳам бор эди. Бу асар абжад тартиби асосида ўзига хос мураккаб алифбо яратишга багишиланган.

Хуллас, Урганж (Ургағч)нинг тор кўчаларию қишки совуқлари Ибн Синони яна бир синовдан ўтказа бошлади. Ибн Сино хоразмлик ёғочсозларнинг эпиклари мустаҳкамлигини ва нақшинкорлигини кўриб, бу усталар меҳнатига қойил қолди. Қолаверса, Урганч бозорлари ниҳоятда гавжум бўлиб, бу бозорларда узоқ Хитойдан Румгача бўлган юртлардан келтирилган моллар билан савдо қилинарди. Бу ерда Кермон хурмоларидан тортиб, Яман шакаригача, Ҳиндистон зираворидан Хитой шойи-сигача бўлган маҳсулотлар савдоси қизгин кечарди. Самарқанд қозозида ёзилган савдо битимлари, турк-ўгузлар асир олган турли қуилар савдоси тўхтамасди.

Ўз сиёсатида туркий дунёни ва ислом оламини бирлаштириш, бошбошдоқлик ва турли тартибсизликларга барҳам бериш, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмасликни максад қилиб олган Султон Маҳмуд Газнавий Хоразмни ҳам тасарруфига олиш ҳаракатини бошлади. У ўз вакилини мактуб билан Урганчга жўнатди. Мактубни келтирган шахс Ҳўжа Ҳусайн Микоил эди. Манбаларга кўра, бу шахс бир пайтлар Панҷ вилояти (Суғднинг шарқий кисми) ҳокими бўлган Деваштичининг авлодларидан эди. Бу мактуб Ибн Сино каби Масиҳий, Беруний, хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун ва қолаверса Хоразм тақдирини ҳам ўзgartириб юбор-

ди. Ибн Сино ва Масиҳий Султон Маҳмуд Фазнавий қароргохига боришдан бош тортган бўлсалар, Ибн Ирок, Ҳаммор ва Берунийлар Фазнага боришини ихтиёр этдилар. Султон Маҳмуд эса барча урганчлик олимлар Фазнага келишларини амр қилган эди. Вазиятдан чиқиш йўлини хоразмшоҳ Мაъмун ибн МАъмун топди. У Ибн Синога Урганчни тарк этишни таклиф қилди.

Маҳмуд Фазнавийга тобе бўлишни истамаган Ибн Сино тахминан 1010–1011 йилларда Хоразмдан маҳфий равишда чиқиб, Хуросон томон йўл олди. Берунийнинг илтимоси билан унга асли журжонлик бўлган, Қорақум бўйлаб бир неча бор сафар қилган Масиҳий ҳамроҳлик қиласидаган бўлди. Ибн Сино ва Масиҳийлар ҳамкаслар бўлиб, улар табобат ҳамкор ва ҳамфир эдилар. Ибн Сино Масиҳийнинг табобатта оид маърузаларида бир неча бор қатнашган, ундан кўп нарсани ўрганган эди. Бу, биринчидан, табобатга фан сифатида қарашига ва билимини қадрлаб, инсонпарвар бўлишта ўргатди. Масиҳий Гиппократ гоясини «Фақат табобатни биладиган табиб табобатни билмайди. Яна ... инсонни севиш керак» шиори сифатида тарғиб қиласиди. Қолаверса, Масиҳий ёш Ибн Сино сиймосида ноёб иқтидор, зуко ақл ва ўз ишига фидойи олимни кўриб, бу йигитни қадрлар эди. Шу боис унинг Хуросонга бехатар етиб олишида Беруний илтимосини бажону дил қабул қиласиди.

Улар Қорақумни карвонсиз кесиб ўтишга мажбур эдилар. Танланган йўл Сариқамиш ботқогидан бошланиб, Қорацўр тузлиги орқали Ўзбойнинг куруқ ўзанига чиқарди, бу ерда Борсакелмас кумликларидан ўтиб, Дехистон томон бориларди. Бу йўл Каспий бўйидаги Абаскун портига олиб чиқарди. У ердан Журжонга бир кунлик йўл эди. Аввал жанубга – Заунгуз Қорақумига, у ердан Дарвоза кумлигидаги Эрбанд кудугига ва яна жанубга – Баҳордак кудуги томонга юрилди. Бу манзилдан Нисога (ҳозирги Ашхобод яқинида) бир қадам эди. Бу шаҳар кумлар ўртасидаги нахжот гўшаси хисобланарди. Бироқ Масиҳий узоқ йўл ва хасталик оқибатида Нисога 18 км қолтанида вафот этди. Уни дафи қилган Ибн Сино устозидан ёдгор сифатида унинг бўйнидаги икона тасвирини ва қўлёзмалари солинган чарм халтани ўзига олди.

Нисога ёлғиз кириб келган Ибн Сино Даккак томонда қурилган хонадонга келиб жойлашди. Кўлидаги устозидан

қолган иконанинг орқа томонидаги ёзувни яна қайта ўқиди: «Исо ибн Яҳъё Масихий» деб ёзилган эди унда. Икона ўртасида яратувчининг тасвири ва устида «Раҳмон ур-роҳим» ёзуви, чап ва ўнг томонларида еттига шакл тасвирланган эди. Бу еттилик: Адолат, Эзгулик, Ақд, Ҳақиқат, Вужуд, Ҳаёт ва Донолик моҳиятини очиб берарди. Иккинчи қаторидаги марказда шаклсиз материя тасвирланган бўлиб, ёнларида мавжудлик, аввали: чапда Вақт (кария), ўнгда Борлиқ (қиз бола) тасвирланган эди. Уларнинг иккиси ҳам кўлларида дастакча тимсолини ушлаб туришарди. Учинчи қаторида ташкиллашган материя – яратилган ва яратилмаган иборалари акс эттирилган бўлиб, тўртта тўртбурчак шаклида эди. Сўнгги қаторида пайғамбар Исо арайхиссалом тимсоли бўлиб, Амин каломи битилган эди.

Эртаси куни Ибн Синонин Нисо ҳокими хузурига олиб боришиди. Нисо ҳокими Ибн Синонин Султон Махмуд Ғазнавий жаляётганини билдириди. Агар саройда қолса, Махмудга «Ибн Сино Нисода бўлди, лекин кетиб қолди» деб мактуб ёзишини айтди. Бу ҳақда бизга XVI аср тарихчиси Қазвений маълумот берган. Ибн Сино Маҳмуд қароргоҳидан кўра, бошқа ҳукмдор саройида хизмат қилишни маъқул кўрди. Шу режа билан Ибн Сино Тус ва Нишопур сари элтадиган йўлга туپди.

Айни шу йилларда бу ерларда курғоқчилик бўлиб, деярли дон ҳосили олинмаган эди. Манбаларда қелтирилишича, биргина Нишопур ва унинг атрофларида 100 минг киши очлик ва қасалликдан нобуд бўлган эди.

Шу манзаралар гувоҳи бўлган Ибн Сино елкасида иккита хуржун, бирида ўз қўлёзмалари, иккинчисида Масихий қўлёзмалари билан Тусга қараб йўл олди.

Тус буюк мутафаккирлардан бири Ғаззолийнинг ватани эди. Ибн Сино бир муддат сүфий шайх Абусайд Абулхайр (Мийна бобо) билан Худо ва инсон, эзгулик ва ёвузлик хусусида хатлар ёзишганини эслади. «Балки Нишопурга Абу Сайд хузурига бориш керакмикан?» деб уйлади у. Тус йўлидан Нишопур томон бурилди. Аммо у Нишопур шаҳри ичкарисига кирмай турди. Нишопур якинидаги Шиккон қишлоғига тўхтади. Аммо қишлоқ бўм-бўш эди. Бу ернинг одамлари қасаллик (вабо) ва очликдан қирилиб кетганди.

Ибн Сино билан мактуб ёзиштан Абусаид Абулхайр (967-1049)нинг отаси Султон Маҳмуд Газнавий саройида табобат бўйича йирик олим эди. Абусаид 17 ёшида отасидан алоҳида оддий пахса уйда яшай бошлади. Беш йил мустақил таълим олиб, Сарахста йўл олди. У ерда Абулфазлга мурид бўлди. У ўз пиридан билим олиб бўлгач, Абулфазл уни ватанига – Майхона (Мехна) қишлоғига юборди. Абусаид пири амри билан у ерда 7 йил яшаб, инсонлар олдига қандай сўз билан чиқиш кераклиги ни ўрганди. Яна пири ёнига қайтиб, икки йил унинг хизматида бўлди. Сўнг пири унга ўз хирқасини совға қилиб, етти йил яна чўлга юборди. У ерда Абусаид ўз ҳақиқатини топиши керак эди. Бу орада пири Абулфазл вафот этди. Етти йилдан сўнг пири ваясиятига кўра одамлар орасига кириб борди. Бир муддат Майхонада бўлиб, сўнг Амулга – Абулаббос хузурига йўл олди. Яна ўн йил Нишопурда ўз амру маъруфлари билан халқ орасида юрди.

«Асрор ут-таворих»га кўра, Абусаиднинг хонақоси Нишопурда бўлиб, унинг сўфиёна қарашлари «Сенга рўбарў келаётган ёвузликка тик бор. Уни ўз йўлингда мардона қарши ол» иниорида акс этган эди. Бу даврда Нишопурда Абусаид Бобо Кўҳий ва сўфийлик тариқати вакили қаррамийлардан бўлган Абу Бакр ва Ибн Қаррамлар борлигини биларди. Нишопур эса 20 минг кишилилк қаррамийлар оқимининг диний маркази ҳисобланарди. Султон Маҳмуд уларни давлат турархи сифатида эътироф этган эди. У Абу Бакрни ўзига дўст билиб, Нишопур шахри раислигига тайинлади. Абу Бакр шаҳар ҳокими сифатида халққа нисбатан анча қаттиққўллик билан сиёsat юритган. Қаррамийлар раҳбари Абу Бакр ва Нишопур бош қозиси, Султон Маҳмуд ўғиларишинг устози Абусаидга қарши Маҳмудга мактуб тоборди. Бундан Абусаид хабар топиб, Абу Бакрни ёнига чақирди ва воқеалар ҳақида ўзи сўзлаб берди. Буни эшлигтан Абу Бакр ўз аризасини қайтариб олди. Жанга ҳозирланган кўшинларини кўйиб юборди. Абусаид уни ўз ўтилларининг устози этиб тайинлади. Бу воқеадан сўнг Абусаид сўфийлик тариқати раҳнамоларидан бирига айланди. Ҳатто бир дарвеш аввал Султон Маҳмудга бағишламоқчи бўлган рисоласини, қарорини ўзгартириб, Абусаидга бағишлади.

Ибн Сино бомдод намозидан сўнг Абусаид эшиги тагида оломон билан бирга уни кута бошлади. Абусаид оломон ораси-

дан Ибн Синони излаб топди ва ортидан юришга амр қилди. Ибн Синонинг «Мени қандай топдигиз?» деган саволига Абусаид «Сизга бир қарашда бу сиз эканлигингизни билдим» деб жавоб берди. Абусаид уни бир муддат ўз қароргохида меҳмон қилди. Турли масалаларда узоқ сухбатлашдилар. Ибн Синони йўлнинг ярмигача кузатиб борган Шайх Абулаҳир унга оқ, йўл тилаб қолди. Ибн Сино устози Масихий билан боришини ният қилган Журжонга – Қобус хузурига ёлгиз ўзи йўл олди.

### Журжон ва Райдаги ҳаёт

**И**бн Сино Журжонга кириб келганида маҳаллий хукмдор Қобуснинг дафн маросими устидан чиқди. Қобус ўрнига ўғли Манучехр таҳтга чиқди. Манучехр ўзини Султон Маҳмуднинг вассали деб билиб, Маҳмуд номига жомеъ масжиidlарида хутбалар ўқитди.

Ибн Сино дўсти Беруний берган тавсияномани Қобуснинг ўғли Манучехрга эмас, балки Қобуснинг қизи малика Заррингизга топширди. Чунки Беруний бу оқила, файласуф малика ҳақида Ибн Синога кўп гапириб берган эди. Ибн Сино Заррингизга ўзининг геодезияга оид рисоласини бағишлади.

Журжондан Ибн Сино ўз укаси Маҳмудга ва шогирди Мальсумийга мактуб жўнатмоқчи эди. Аммо шимолга – Каспий бўйлаб Дехистон томон йўлга тушди. У Дехистон маркази Ахур ёки Машҳади мисирон деб номланувчи шаҳарчага келди. Бу ерда Ибн Сино безгак билан хасталаниб қолди. Бу ернинг боткоқлари ва зах хавоси касалликнинг тез тарқалишига сабабчи эди. Дехистон балиқчилари орасида, гарчи улар Ибн Синони кўрмаган бўлсалар-да, у хақда ривояту хикоятлар тарқалганди. Шу боис Ибн Сино ўзи ҳақидаги ривоятларни эринмай ёзиб ҳам олди. Бу билан у анча таскин топгандай бўлди. Ахир содда халақ назарига туниш, улар орасида доно ва зукко шахс сифатида машҳур бўлишининг завқи бошқача эди. Энди Ибн Сино яшашга яна иштиёқ тоғди. У ўзининг 1005 иили Урганчда қоралай бошлаган «Гиб қонунлари» асарининг давомини айнан Дехистон балиқчилари билан учрашувдан сўнг ёзишга киришди. Бу ерда у хасталикдан тузалиб, анча тетиклашди. Сўнг яна Журжонга қайтди. Бу ерда кўп ўтмай илмий ишлари ва табиблик фаолия-

тини бошлаб юборди. У Абу Убайд Жузжоний билан танишди. Уни ўзига шогирд қилиб олди. Бу йигит Ибн Синога энг яқин ва содиқ шогирд бўлиб қолди. Устозининг охирғи нафасигача унинг хизматида бўлди. Абу Убайд ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган файласуф ва фақиҳ эди. Унинг ватани Ҳирот яқинидаги кичкина Жузжон шаҳарчаси эди.

Бу пайтда Ибн Сино 32 ёшда эканлигидан келиб чиқиладиган бўлса, бу воқеа 1012 йилга тўғри келади. Жузжонийнинг ўзи аслида Ибн Синони сўраб-суриштириб топиб келган эди. Бундан ташқари, Журжонда Ибн Сино яна бир яқин инсони – Шерозий билан учрашди. Шерозий Журжондаги бообру кишилардан бўлиб, илм-фанинг қадрига етарди. У ўз уйига ёндош бир уйни сотиб олиб, Ибн Синони ўща ерга жойлаштириди. Аммо Ибн Сино ва Шерозийлар қайси вазиятда танишганлари ҳақида маълумот йўқ.

Шерозий олиб берган хонадонда Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарини ёзишни давом эттириди. Мазкур китобнинг тўлиқ номи «Китоб ал-қонун фи-т-тибб» бўлиб, Ибн Синонинг шоҳ асари ҳисобланади. У ўз давридаги табобат фанининг муфассал қомуси эди. Унда инсон соглиги ва касалликларига оид барча масалалар мантикий баёнини топган. «Тиб қонунлари» жами 5 китобдан иборат бўлиб, 1012-1024 йиллар оралиғида ёзилган. Шерозий хонадонида ёзилиши давом эттирилган «Тиб қонунлари»нинг биринчи китоби табобатнинг умумий назарияси: инсон анатомияси ва физиологияси, касалликларинг келиб чиқиши сабаблари ва уларнинг аломатлари, даволацнинг умумий асослари, бандарбия ва соғлиқни сақлаш тадбирларига багишланган эди. Асарнинг иккинчи китоби фармакологияга бағишлиланган бўлиб, унда ўсимлик, маъдан ва ҳайвонлардан олинадиган 811 содда дорининг номи алифбо тартибида жойлаштирилган ва уларга тарьиф берилган, ҳар бир дорининг қайси касалликка даво эканлиги кўрсатилган. Асарнинг учинчи китобида жузъий касалликлар, яъни инсоннинг бошлидан то товонигача ҳар бир аъзосида учрайдиган касалликлар, уларни аниқлаш ва даволаш усуслари баён этилади. Тўртинчи китоб инсоннинг бирон-бир аъзосига хос бўлмаган, балки бутун гавдасида юз бериши мумкин бўлган касалликларга бағишлиланган. Нихоят, бешинчи китобда мураккаб дорилар, яъни табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган дорилар

(турли тарёқлар, майжунлар, малҳамлар, ҳабдорилар ва х.к.)ни тайёрлаш тұғрисида тап боради.

Ибн Сино бағри кенг инсон эди. Асарларининг бирор-бир ўрнида Султон Маҳмудга иисбатан ёмон күз билан қарамади. Та-біб учун душман түшунчаси бўлмаслиги керак, леб ҳисобларди у. Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳам унга душманлик кўзи билан қарамаган. Бироқ у буюк табиб Ғазнадаги саройида аллома Бे-руний, шоирлар Фирдавсий, Үнсурий ва бошқалар билан бир-галиқда япаши ва фақат унинг ўзини даволапши керак, деган фикрда бўлган.

Абу Али ибн Сино нафақат табобат, балки бошқа фан соҳалари билан ҳам шуғуланишини давом эттиради. Кунлар-нинг бирида Ибн Сино ўз шогирди Жузжоний билан Таборак тогига борди. У ерда бир пайтлар Беруний ва Масихий ишлаш-ган эди. Ибн Сино тогда бир пайтлар фойдаланилган секстант қолдиқларини учратди ва шогирдига бу ҳақда гапириб берди. Бу секстантни 994 йилда Хўжандий бунёд эттән эди. Ибн Сино сек-стантнинг устига чиқиб, унинг соддалиги ва пурвиқорлигидан ҳайратланди. Кейинчалик Ибн Сино Исфахонга расадхона курдириб, у ерда самовий жисмларни, нурнинг табиатини ўрганди. Ибн Сино бўйича нур ҳаракат оқими ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, Ибн Синонинг «Заррингиз-та нома ...» асарида қатор астрономик қашфиётлар жамлан-ган. Бироқ бу асар ҳозирги кунга қадар етиб келмаган. Ой ҳароратини белтилашдаги ютуқлари ҳақида Беруний: «Амалий жиҳатдан Ибн Синонинг услуби Ойнинг тез ҳаракатланиши ту-файли мураккаб, аммо назарий жиҳатдан әлг түғри йўл», – леб ёзган эди. Бундан ташқари, Ибн Сино астрономияга оид «Тал-хис Алмажистий», «Осмон жисмлари ҳақида рисола», «Осмон жисмларининг кўриниш масофаси ҳақида» (ягона қўлёзма нус-хаси Оксфордда сақланмоқда), «Ёриткичларнинг кундузи эмас, кечаси кўриниши ҳақида», «Осмон ўртасида Ернинг муқим ту-риши сабаблари түғрисида» (ягона қўлёзма нусхаси Қоҳирада сақланади), «Самовий кўринишларнинг ҳолати» каби ўнлаб асарлар ёзди. Рай шаҳрида яшаган пайтида Ибн Сино Ой ту-тилишини кузатиш билан боғлиқ ҳолда шаҳарларнинг узунла-масици топиш усулини ихтиро қилди. Бу асарлари билан Ибн Сино нафақат табиб, балки астроном сифатида ҳам танила бош-

лади. Ибн Сино умри давомида астрономияга оид 8 та мустақил рисола ёзди. «Китоб аш-шифо» ва «Донишнома»нинг риёзиёт қисмида мазкур мавзуга алоҳида бобларни багишлиди. Птолемейнинг «Алмажиста»сини қайта ишлаб, амалий астрономияга оид кўлланма ёзди.

Ибн Синонинг математика соҳасига оид илмий ишлари ҳам сермаҳсул эди, у Евклидинг «Негизлар» китобига шарҳлар ва изоҳлар киритди, уни тўлдириди, бунда геометрик ўлчамларга арифметик атамаларни кўллади. Сон тушунчасини натурал сондан анча кентайтирги.

Ибн Сино ўз шогирди Жузжоний билан Райга йўл олди. Демаванддан кейин қишики кунларнинг бирида улар Райга етиб келишди. Рай шаҳри ўзига хос бўлиб, саккизта бозори бор эди. Хунармандлар маҳаллаларида иш қизгин бўлган. Гарчи Нишопурдан кичикроқ бўлса-да, бу шаҳар анча маҳобатли кўринарди ҳамда Византия ва Кавказ карvon йўлларининг чорраҳасида эди. Шаҳарни Сурон канали кесиб ўтарди. Рай газламалари шуҳрати узоқ-узоқларга кеттан бўлиб, Ибн Сино бу қадар нафис матоларни факат Бухоронинг Занданасида кўрган эди. Ибн Сино бу ерда шаҳар маликаси Сайида Хотун ва унинг ўғли ҳукмдор Маждуд давла Абу Толиб Рустам (997–1029) хизматига кирди. Сайида асли гилонлик бўлиб, келиб чиқиши шоҳларга мансуб дайламийлар уругидан эди. У Султон Маҳмуднинг Ибн Синони ўзига топшириш, акс ҳолда унга қарши уруш очиши ҳақидаги таклифини фалсафона йўл билан рад қилди, яъни «Маҳмуд аёл кишини тор-мор келтирди, дейилишидан уялмайсизми?» мазмунида жавоб ёзди. Маҳмуд эса Сайидашни шу билан тинч кўйди.

Рай ўз олимлари билан машхур эди. Бу шаҳарда машхур табиб ва файласуф Розий яшаган бўлиб, у 932 йилда вафот этган эди. Ибн Сино эса бу шаҳарга 1015 йилда кириб келди. Лекин ҳалқ орасида Розий ҳақидаги гаплар тилларда достон эди. Ибн Сино Розий ҳақида ўзининг «Тиб қонунлари»да: «Розий ҳақиқатни аниқ ифодалаган, унда сирлилик ва ёлғон бўлмаган», деб ёзган эди.

Райнинг эътиборли шахсларидан бири вазир Фахруддавла ас-Сохий бўлиб, оддий қишлоқ муаллими оиласидан келиб чиқкан эди. Унинг кутубхонаси ўз даврининг катта илм хази-

наси бўлган. Бироқ бу кутубхонага душманлар томонидан ўт қўйилган эди.

Ибн Синога Қазвинга 35 чақирим шимолда, Рудбор туманида жойлашган, бир пайтлар зардуштийлар ибодатхонаси ва йирик кутубхона бўлган Аламут қасрига бориш насиб этмади. Бу қаср ва ундаги кутубхона ўз вақтида Носир Ҳусрав, Насриддин Тусий, Умар Ҳайём ва Ҳасан Сабоҳларни илҳомлантирган маскан эди.

Кўп ўтмай Ибн Сино ўз шогирди билан Қазвинга кўчди. Қазвин араб халифалигининг чегара манзилгоҳи бўлиб, бу ерда курдлар яшарди. Шу шароитда ҳам Ибн Сино «Тиб қонунлари» устидаги ишини давом эттириди, одамларни даволаш билан машғул бўлди. Жузжоний эса ўз устозига беминнат хизмат қилиб, ҳар томонлама кўмаклашди. Ибн Синога бу шаҳарда ҳам узок туриш насиб этмади. Ҳамадонга боришни лозим топди. У ерни Маждуддавланинг акаси ёш ҳукмдор Шамсуддавла (997–1021) бошқарган. У ҳам дайламийлардан бўлиб, қатъий сўзли, иродали шахс эди. Ибн Сино ундаги гайрат ва руҳий кўтариникиликни кузатди. Ибн Сино Шамсуддавлани санҷки қасалидан даволади. Бунинг эвазига 1019 йилда Шамсуддавла Ибн Синони ўзининг вазири этиб тайинлади. Оддий сарой табиби бўлган Ибн Сино учун бу кутилмаган ҳолат эди. Шундай бўлсада, Ибн Сино ёш ҳукмдорга давлат ишларида кўмаклашди. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, илмий ишларини ҳам давом эттириди. Бир катор асарлар яратди. Ўзининг машҳур фалсафий қомуси – «Китоб аш-шифо»ни ҳам шу ерда ёзичи гиришилди. Бу асар илмий қомус даражасида бўлиб, қуйидаги тўрг қисмдан иборат: 1) мантиқ; 2) табиий фанлар; 3) математика; 4) метафизика ёки илоҳиёт. Фалсафага оид «Китоб ан-нажот» асарида Ибн Сино «Китоб аш-шифо»нинг қисқача мазмунини байён этган эди.

Ибн Синонинг фалсафий қарашлари яна «Ал-ишорат ваттанбихот» («Ишоралар ва танбеҳлар»), «Ҳикмат ал-малириқийн» («Шарқликлар фалсафаси»), «Китоб ал-ишорат фил-мантиқ вал-ҳикмат» («Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари»), форс тилидаги «Донишнома» асарида, «Тайр қиссаси», «Саломон ва Ибсол», «Ҳайй ибн Яқоон», «Осуф ҳақида қисса» рисолаларида байён этилган. Ибн Сино материяни энг содда бўлинмас тўрт унсур:

хаво, олов, сув ва тупроқдан иборат, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, шу тўрг унсур абадий йўқолмайди. Унинг бу қарашлари зардуштийликнинг тўрт муқаддас маъво ҳақидаги қарашларига мос эди. Ибн Сино «Китоб аш-шифо»нинг табиий фанларга оид қисмида бაъзи геологик жараёнлар хусусида илмий, назарий хуносаларини берди. Бунга яқин қарашлар маъданшуносликка оид «Ал-афъоль вал-инфирот» («Таъсир ва таъсирланиш») асарида ҳам учрайди. «Китоб аш-шифо»нинг «ан-Набот» («Ўсимликлар») қисмида эса ўсимликшунослик, ўсимликлар турлари, уларнинг пайдо бўлиши, озикланиши, тузилиши, кўпайиши, атамалари ҳақида илмий кузатишлари баён этилди.

Ўз вазири Ибн Синога хукмдор Шамсуддавла «Подшолик номуси» унвонини берди. Чунки амир Шамсуддавла турклар ва курдалар орасида қолган бўлиб, Ибн Синонинг маслаҳатларига муҳтоҷ эди. Ўзаро урушлар, нотинчилклар, ғалаёнлар Шамсуддавлани хасталантириди. Курдалар исёнини бостириш учун Кермоншоҳ томон йўлига чиқкан Шамсуддавла йўлда вафот этди.

Ибн Синонинг Исфаҳон хукмдори Алоуддавла хизматига кетишини эшитган Шамсуддавланинг ўғли Тожумулк Ибн Синони Фаражан қасрига банди қилишни буюрди. Бу пайтда Ибн Сино 42 ёпда эди.

Исфаҳонда Ибн Сино юон олимни Героннинг «Механика» асари асосида «Фикр баҳоси» асарини ёзди. Мусиқага оид рисолалар яратди. У шеърий ритм, сўз ва мусиқа алоқасини ишлаб чиқди.

Шеъриятда Абу Али ибн Синонинг ўз ўрни бўлган. У ўзининг «Уржуза» тиббий асарини ражаз вазнида шеърий услубда ёзди. Унинг бир неча форс тилидаги ғазал ва қитъалари, 40 дан ортиқ руబойлари ҳам бизгача етиб келган. Айrim манбаларда ёзилишича, Ибн Сино туркий (ўзбек) тилида ҳам шеърлар биттан. Мусиқа бобида эса Форобий йўлини давом эттиради. «Китоб аш-шифо»нинг «Жавомеъ илмул-мусиқий» – «Мусиқа илмига оид тўплам» қисмининг ҳар бири бир неча бобли олти бўлимдан иборат эди. «Ан-нажот», «Донишнома» ҳамда «Тиб қонунлари», «Рисолай ишқ» асарларининг бაъзи боблари мусиқанинг айrim масалаларига бағишлиланган эди. Табиб сифатида у мусиқани муҳим тиббий воситалар сирасига киритди.

Фаражан қамоқхонасида Шамсуддавлани ҳаётдан олиб кетган қуланж қасаллиги ҳақида рисола ёзди. Бу ерда у «Ҳайи ибн Яқзон» фалсафий рисоласини битди. Ҳайи ибн Яқзон – бу Семурғ тимсоли бўлиб, инсонни Ҳақ томон саёҳат қилишга чорларди. Яна қамоқхонада ўтириб, «Саломон ва Ибсол» асарини қоралади. Бу асар қайтиб келмаслик, ўлим орқали саёҳат қилиш рисоласи эди. Бундан ташқари, «Тайр қиссаси» («Қушлар қиссаси») рисоласи орқали ўз васиятини баён қилди. Укаси Маҳмудга багишлаб яна бир васиятнома – «Тақдир ёки назар» асарини ёзib қолдириди.

Алоуддавла ўз дўсти Шамсуддавланинг ўғли Самауддавлани кутқариш мақсадида Ҳамадонта хужум қиласи, курдлар ёрдамида Тожулмулкни тор-мор келтиради. Тожулмулк Ибн Сино ётган Фаражан қамоқхонасига яширинади.

Ибн Сино қамоқдан озод бўлгач, алийлар хонадони вакили уйида яшайди. Бу ерда «Китоб аш-шифо» асарини яна давом эттириди. Қатор асарларини якунлашга кирицди. Тожулмулк қамалдан кутулагч, яна Ибн Синони қидиради. Унинг айғочилари Ибн Синони тошишади, бирор уни кўйиб юборишини маъкуя кўришади.

Ибн Сино бу нотинч юртни ташлаб, Шамсуддавланинг бирордари Исфаҳон хокими Алоуддавла хизматига ўтишга рози бўлди. 1023 йилда Исфаҳонта кўчиб, «Китоб аш-шифо» асарини ёзишни давом эттириди. Асар 18 жилдан иборат бўлиб якунланди.

1032 йилда Ибн Сино 52 ёшда эди. Бу давр орасида у «Китоб ан-нажот» асарини ёзив, унда гарб ва шарқ файласуфларининг 28 минг масаласига ўз ечимини баён қилди. Китоб 20 жилни ташкил этди. Исфаҳонда Ибн Сино астрономияга оид асарларини давом эттириди. Ибн Сино ҳукмдор Алоуддавланинг маслаҳатчисига айланди. Исфаҳон мұхитида форс тилида яна бир фалсафий асари – «Донишнома» («Билим китоби»)ни тасниф қилди.

Жузжоний ёзишича, Ибн Сино жисмоний жиҳатдан ҳам бақувват бўлган. Бирор шаҳарма-шахар дарбадар юриш, уйкусизлик, тинимсиз меҳнат ва таъқиблар, хибсга олиш унинг саломатлигига салбий таъсир этди. У йўғон ичакда бўладиган Қуланж қасаллигига чалиниб қолган эди, бунинг устига тутқаноққа ҳам йўлиқади. 1034 йилда бошланган бу қасаллик

1037 ийл 18 июня, яьни хижрий 428 ийл рамазон ойида 57 ёцли Ибн Синони ҳаётдан олиб кетди. Уни иззат-икром билан шогирди Жузжоний бошчилигида Ҳамадонга дағы этишди. Ибн Сино қабри устида ҳашаматли мақбара қурилган.

### Олимнинг илмий мероси

**И**бн Сино ёзган 450 дан зиёд асардан 242 таси бизгача етиб келди. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатта оид бўлиб, қолган қисми мантиқ, психология, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига оиддир. Унинг илмий меросини шартли равишда тўртта: фалсафий, табиий, адабий ва тиббий қисмларга бўлиш мумкин. Ундан қолган бой мерос Шарқ ва Гарб маданияти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг асарлари XII асрдан лотин тилига таржима қилиниб, Европа университетларида ўқитилди. «Гиб қонунлари»нинг лотинча таржимаси шу кунгача жами 40 марта нашр этилган. Асарнинг айрим қисмлари бошқа европа тилларига таржима қилинган ва кўплаб марта чоп этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Абу Али ибн Сино қаламига мансуб 50 асарнинг 60 та қўлёзмаси мавжуд. Унинг асарларини Е. Бишманн, Ю. Руска Карра де Во, Х. Корбин, Л. Гарде каби европа; М.У. Нажотий, А.Н. Нодир, Ж.Ш. Қанавотий, Сайд Нафисий, Яхё Маҳдавий, Э. Ихсонўлу, Ф. Раҳмон каби араб, турк, форс олимлари; Е.Э. Бертельс, А.Я. Борисов, И.С. Брагинский каби рус олимлари; С. Айний, С. Мирзаев, А. Муродов, А. Расулов, У.И. Каримов, А. Ирисов каби ўзбек олимлари ўргандилар. Рус антропологи М.М. Герасимов унинг калла суюти асосида портретини яратди. 1984 ийлда «Ўзбекфильм» студиясида «Даҳонинг ёшлигиги» тарихий-биографик бадиий фильмни яратилди. Карл Линней тропик дарахтта Авиценна номини берди. 1956 иили Ўзбекистонда тошлиган бир минерал унинг номи билан Авиценнинг деб аталди. Бухоронинг Афшона қишлоғига ва Бельгиянинг Кортнейин шаҳрига Ибн Сино ҳайкаллари ўрнатилди. Бухоро, Тошкент, Душанбеда ҳам ҳайкаллари кад ростлади. Афшонада Ибн Сино му-

зейи очилди (1980). 1999 йили Ўзбекистонда Ибн Сино халқаро жамғармаси тузилди. «Ибн Сино» ва «Сино» номли халқаро журналлар нашр этилмоқда. Тожикистанда фан соҳасидаги катта ютуқларни тақдирлаш учун Абу Али ибн Сино номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган.

Ўзбекистон ва Тожикистандаги кўплаб тиббий олий ва ўрта билим юргларига, жумладан, Бухоро тиббиёт институтига, санаторий, шифохона, Бухоро вилояти кутубхонаси ва маданият саройига, турли мактаб, кўчалар ва ширкат хўжаликларига, Тошкентдаги туарржой мавзесига Ибн Сино номи берилган.

Абу Али ибн Синонинг номидан Мадади Сино – медицина агамаси вужудга келган. Ибн Сино Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган.

Абу Али ибн Сино Туркистон халқлари тарихида ва жаҳон илм-фани тарихида муносиб из қолдирган буюқ алломадир.

## Абу Али ибн Синонинг ўз тилидан ёзиг б олинган таржимаи ҳоли

**О** там асли балхлик эди. Нуҳ Ибн Мансур замонида у ердан Бухорога кўчиб келади ва у даврда Бухоро атрофидаги Ҳурмайсан деган қишлоқда маъмурӣ ишларга бошчиллик қилган. [Ҳурмайсан] Бухоронинг энг йирик қишлоқларидан саналар эди. Унинг яқинида Афшана деган бир қишлоқ ҳам бор. Отам ўша қишлоқдан онамга уйланиб, шу ерда туриб қолади. Мен шу ерда тугилганман, кейин укам туттилди.

Сўнгра биз Бухорога кўчиб келдик. Мени Куръон ва адаб [илмларини] ўқитадиган муаллимларга топширдилар. Ёшим ўнга тўлганда мен Куръонни ва адаб [илмларида] кўпини ўзластириб олган эдим, ҳатто одамлар менга ажабланадиган ҳам бўлди...

[Отам] мени хинда хисобини биладиган бир резаворфурунга юбора бошлади, мен ундан [хинда хисобини] ўргандим. Кейин Бухорога Абу Абдуллоҳ Нотилий келиб қолди, у кишининг файласуфлик даъвоси бор эди. Менга таълим беради, деган умидда отам у кишини уйимизга кўчириб келди. Унинг келишидан олдин ҳам мен фикҳ билан шугулланиб, бу хусусда Исмоил Зоҳид деган кишининг ҳузурига қатнаб юрар эдим. Шу билан мен талаб қилиш йўлларини ва жавоб берувчига ёътиroz билдириш усулларини, уларда жорий бўлган йўсинда билиб олиб, бу соҳани энг яхши биладиганлардан бўлиб қолган эдим...

Мен учун илм эшиклари очила бошлади. Кейин тиб илми билан шуғулланишга майл этдим ва унга оид китобларни ўқишига тушдим. Тиб илми қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичиди бу [фанда жуда] илғорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб, ҳузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим ва [шу йўсинда] орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар [кенг] очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин.

Шу билан бирга баъзан фикҳни ўрганишда ҳам давом этар эдим ва шу хусусдаги мунозораларда иштирок этиб турардим. Бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим. Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим, мантиқ ва фалсафанинг ҳамма

қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўша кезларда мен бирор кечанинг ҳам охиригача ухламас, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шугулланмас эдим. [Мантиққа оид] равшан ва аниқ бир қанча [қоидаларни] жамладим. Ҳар бир ҳужжатни текши-раестганимда бир қанча қиёсий муқаддималарни исбот қилиб, уларни шу равшан [қоидалар] нұқтаи назаридан тартибга со-лардим. Кейин у муқаддималариниң шартларини назарға олиб, улардан чиқадиган холосата қарапдим. Нихоят, бу масалада ҳамма нарсанинг асл мөхияти менга аён бўлиб қоларди.

Агар бирон масаладан бошним қотиб, қиёсда ўргача таърифи-ни топа олмасам, жоме масжидга борардим ва намоз ўқиб, яратувчига ёлборардим, натижала қоронғу нарсалар менга ойдинла-шар, мушкуллар осон бўлар эди.

Кечалари эса уйимга қайтиб келардим-да, олдимга чироқни кўйиб олиб, фақат ўқиши ва ёзиш билан банд бўлардим. Мабодо уйку босса ёки ўзимни хоргин сезсам, қувватни қайтариш учун бир қадаҳ шароб ичиб, кейин яна ўқишига тушардим. Агар бироз уйкуга кетсам, тущимда ўша ўнгимдаги масалаларни кўрардим ва кўп масалалар тушимда аён бўларди. Ана шу зайдада ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим. Ўша вақтларда билганларим, ҳозир билганларимчалик эди; бутунги кунгача [билимимга] бирон нарса кўшилмади...

Бу вақтда Бухоронинг подпоҳи Нуҳ ибн Мансур эди. Иттифоқо у бир касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳажда бир фикрга келишина олмабдилар. Кўп ўқийдиганлигим туфай-ли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди. Подшоҳ ҳузурида менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиришини сўрашибди. Мен бориб [табиблар билан] биргаликда [шоҳни] лаволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим. Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришига ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берли. Мен кўп хоъалардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб кўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид [асарлар] турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар [тўпланган эди]. Кейин

биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшигтмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал қўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даржасини билиб олдим.

Ённим ўн саккизга борганида бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим. Ўша кезларда илмни кўпроқ ёдда сақлаб қолар эдим, ҳозир эса илмим кўпроқ етилган, аммо билим – битта ва ўшандан бери менда янги бир нарса қўшилгани йўқ...

Бу орада отам вафот этиб, ахволимда ўзгариш юз берди; сulton хузуридаги вазифалардан бирини ўз зиммамга олдим. Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк қилишга, Гурганж томонга кўчишимга тўгри келди. У ерда илмларни севувчи Абу-л-Ҳусайн ас-Саҳлий вазир эди. У ернинг амири хузурига бордим, амир Али ибн Маъмун эди. Мен у пайтда эгнимига тайласон ва тахтаулханакли факихлар кийимини кийиб олган эдим. Мен учун менга ўҳшаганларга етадиган миқдорда ойлик тайин қилишди. Ундан кейин зарурат Нишора кўчишимга мажбур қилди. Сўнг ундан Абивардга, ундан Тустга, ундан Шикконга, ундан Саманконга, ундан Хурросон чегарасидаги Жожурмга, ундан Журжонга [кўчдим]; мақсадим Амир Қобуснинг хузурига бориш эди. Шу пайтда Қобусни тутиб, қалъалардан бирига қамаб қўйишди ва у ўша ерда ўлди. Сўнгра Дехистонта кетдим, у ерда қаттиқ, касал бўлиб қолдим.

Яна Журжонга қайтиб келдим ва у ерда менга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб қўшилди. Шу кезларда ўз ҳолимни ифодалайдиган бир қасида ёздим, унда мана шу байт ҳам бор эди:

*Мен ўлуг бўлганимда кенг шаҳар ҳам сидиролмай қолди,  
Кимматим ошганида харидорсиз қолдим.*

Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳоли. Арабчадан А. Ирисов  
таржимаси. – Т.: Фан, 1980. 6–7, 9–10, 11, 12–13-бетлар.

## Абу Али ибн Сино РУБОИЙЛАР

Мени коғир эттак эмасдур осон,  
Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон.  
Юз үйлда бир келур мен каби инсон,  
Демак бу дунёда йўқ бир мусулмон.

Май мастига душману ҳушёрга ёрдир,  
Ози тарёқ, кўни бир заҳри мордир.  
Кўп бўлса зарари оз эмас унинг,  
Оз бўлса унда кўп манфаат бордир.

Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон,  
Эшак табиатин қилур намоён.  
Булар сухбатида сен ҳам эшак бўл,  
Бўлмаса «кофур» деб қилишар эълон.

Қаро ер қаъридан то авжи Зуҳал –  
Коинот мушкулин барин қилдим ҳал.  
Кўп мушкул тутгунни англадим, ечдим,  
Ечилмай қолгани биргина ажал.

Эй кошки, билосам мен қандай инсон;  
Оlamda не излаб бунча саргардон.  
Кераклигим бўлса яласам хандон,  
Бўлмаса минг кўздан ёш тўксам нолон.

Хеч бир гап қолмади маълум бўлмаган,  
Жуда оз сир қолди мавхум бўлмаган.  
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,  
Билдимки ҳеч нарса маълум бўлмаган.

### Ш. Шомуҳамедов таржимаси

Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон.  
Тузувчи А. Ирисов. – Т., 1981. 48, 49–51-бетлар.

## **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳоли. Арабчадан А. Ирисов таржимаси. – Т.: Фан, 1980.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1–5-китоблар. 2-нашри. – Т.: 1979–1983.
3. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар. – Т.: Фан, 1987.
4. Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари. 2-нашри. – Т.: Фан, 1973.
5. Джумаев В.К. Хирургия Абу Али ибн Сины и её исторические истоки. – Т., 1965.
6. Ирисов А. Абу Али ибн Сино. – Т., 1980.
7. Каримова С. Ибн Сино / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 53–59.
8. Миркарим Осим. Ибн Сино қиссаси. – Т.: Ёш гвардия, 1983.
9. Салдадзе. Ибн Сина (Авиценна). – Т.: Изд-во литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1983.
10. Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳоли. Шеърлар. Тиббий достон (Уржуза). Сўзбоши А. Ирисовники. – Т., 1981.
11. Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Фан, 1966.
12. Абу Али ибн Сино. Саломон ва Ибсол. – Т., 1980.
13. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. З жилдли сайланма. Тузувчилик У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев. – Т., 1992.
14. Абу Али ибн Сино. Уржуза ёки 1326 байт тиббий ўтил. – Т., 1999.
15. Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари. Н. Турдибоев таржимаси. – Т., 2009.
16. Абу Али ибн Сино (Авиценна). Канон врачебной науки. Перевод с арабского У.И. Каримова. В 10 томах. Издание третье. Т. 1–10. – Т.: Изд-во Медицинской литературы им. Абу Али ибн Сина, 1996.
17. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Тузувчи А. Ирисов. – Т., 1981.

## Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Афшона ҳақида.....	5
Дастлабки сабоқлар .....	6
Нотигч Бухоро .....	8
Абу Али ибн Сино Хоразмда .....	12
Журжон ва Райдаги ҳаёт .....	17
Олимнинг илмий мероси.....	24
Абу Али ибн Синонинг ўз тилидан ёзиган олинган таржимаи ҳоли.....	26
Абу Али ибн Сино. Рубоийлар .....	29
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	30

**Азимхўжа Музаффарович Отахўжаев,  
филология фанлари номзоди**

## **АБУ АЛИ ИБН СИНО**

*(рисола)*

*ўзбек тилида*

Муҳаррир В. Умиров

Техник муҳаррир У. Хамутов

Компьютерда матн төрүвчи М. Ражабова

Мусаҳҳих Н. Сайдазҳмедова

Дизайнер Г. Насридинова

Компьютерда саҳифаловчи С. Сайдазҳмедов

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашириёти.  
100011, Тошкент ш., Навоий қўчаси, 16-А уй.  
Телефон: (+99871) 241-0169  
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: abu\_mc@uzconsult.org  
abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашир. лиц. А1 № 090, 16.07.2007. Босишига 31.03.2011 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60×84 1/<sub>16</sub>. Шартли босма тобоги 1,86. Нашир тобоги 2,00.  
Адади 2000 (биринчи завод – 1000). Буюргтма № 11-015.  
Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ  
матбаа бўлимида босиади.